
МАЙДЗУРУ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН СЕМИНАР

Сўнгги йилларда Япония ва Риштон тумани ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. 2019 йилда Риштон тумани ҳоқими Суфҳонжон Солиев Япония мамлакатига қилган ташрифи чоғида Майдзуру шаҳри билан имзолаган меморандум ушбу ҳамкорлик дебачаси бўлган эди. Ушбу ҳамкорлик натижасида кўплаб натижаларга эришилмоқда. Хусусан, яқинда Майдзуру ҳокимлиги вакиллари туманида бўлиб, бир қатор масалалар бўйича келишувга эришилган эди.

Сир эмаски, бугунги кунда Японияда 200 дан ортиқ риштонлик ёшлар турли ўқув даргоҳларида таҳсил олишмоқда. Улар сони йил сайин кўпайиб бораётганини кишини қувонтиради.

Бугун Риштон тумани ва Майдзуру шаҳри вакиллари ўртасида видеосеминар ўтказилди. Унда туман ҳоқими, туман ҳоқими ўринбосарлари, Риштон-япон мактаби директори, тиббиёт техникуми раҳбарияти ва талабалари Японияликлар билан мулоқот қилишди.

Семинар тарзда ўтказилган тадбирда тиббиёт техникуми талабаларига Япониядаги шароитлар билан таништириб ўтилди.

Майдзуру шаҳри ҳокимияти томонидан япон тилини биладиган 400 нафар ҳамширага Майзурудаги пансионатларда ишлаш таклиф этилган. Семинар иштирокчиларига у ердаги иш жараёнлари ва шароитлари ҳақида маълумот берилди.

2023-03-15 16:21:21